

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.К.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРСУНОВА ГУЛНОЗА ХАМЗАЕВНА**

**ПОЛИМЕР ГЕЛЛАРНИНГ СУВЛИ ЭРИТМАЛАРДА БЎКИШ  
ЖАРАЁНИНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ АСОСЛАРИ**

**02.00.04 – Физик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд-2020**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа (PhD) доктори диссертацияси  
автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по  
химическим наукам**  
**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on  
chemical sciences**

**Турсунова Гулноза Хамзаевна**

Полимер гелларнинг сувли эритмаларда бўқиш жараёнининг  
физик-кимёвий асослари..... 3

**Турсунова Гулноза Хамзаевна**

Физико-химические основы набухания полимерных гелей в водных  
растворах.....21

**Tursunova Gulnoza Hamzaevna**

Physical and chemical bases of polymer gels swelling in aqueous solutions... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

List of published works.....41

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА  
ДОКТОРИ ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ БЕРУВЧИ  
PhD.03/30.12.2019.К.02.05 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ТУРСУНОВА ГУЛНОЗА ХАМЗАЕВНА**

**ПОЛИМЕР ГЕЛЛАРНИНГ СУВЛИ ЭРИТМАЛАРДА БЎКИШ  
ЖАРАЁНИНИНГ ФИЗИК-КИМЁВИЙ АСОСЛАРИ**

**02.00.04 – Физик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд-2020**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/К301 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.samdu.uz](http://www.samdu.uz)) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Акбаров Хамдам Икромович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Эшмаматова Нодира Бахрамовна**  
кимё фанлари доктори  
**Сидиков Абдужалил Сидикович**  
кимё фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

Умумий ва ноорганик кимё институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.К.02.05 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, физика-кимё биноси, 3-қават, 305 хона. Тел.: (+99866) 239-11-40; факс: (+99866) 239-11-40; e-mail: [devonxona@samdu.uz](mailto:devonxona@samdu.uz)).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 239-11-40; факс: (+99866) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2020 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ - рақамли реестр баённомаси)

**А.М.Насимов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси т.ф.д., профессор

**Ш.М.Сайиткулов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш котиби, к.ф.н., доцент

**Р.Нормахматов**  
Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш қошидаги  
илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда илмий-техник тараққиётининг жадал суръатлар билан ривожланиши натижасида, саноат корхоналарида ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ҳамда экологик муаммоларни ҳал қилишда рақобатбардош ва экологик тоза маҳсулотларни ишлаб чиқаришда замонавий технологияларни қўллаш муҳим ҳисобланади. Хусусан, сувни ишлатишда тайёрлашда, технологик эритмалар ва оқава сувларни тозалаш ва улардан қимматбаҳо ва рангли металлларни ажратиш олиш, ион алмашувчи материалларни қўллайдиган замонавий технологиялардан фойдаланишни талаб қилмоқда. Замонавий технологияларни яратишда гидрофил полимер материаллардан фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда гидрофил хусусиятли полимер материаллар метакрил кислота, винилспирт, стирол, винилхлорид каби мономерлар асосидаги ион алмашувчи полимер материалларни ишлаб чиқариш технологиялари йўлга қўйилган. Бугунги кунда турли гуруҳли полимер материалларнинг ион алмашилиш, бўқиш кинетикаси каби характеристикаларини аниқлаш, уларни физик-кимёвий хоссаларини таҳлил этиш, каталитик хоссага эга бўлган металл нанозаррачалари тутган полимер материаллар ва полимер композициялар яратиш ҳамда уларни иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларида, жумладан, экологик мониторинг ва аралашма компонентларини ажратиш ҳамда уларни жорий қилиш бўйича илмий тадқиқотлар бажарилмоқда.

Республикамизда кимё саноати соҳасини ривожлантиришда замонавий талабларга жавоб бера оладиган янги турдаги полимер материаллар ишлаб чиқариш ва уларни амалиётга қўллашда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналишда амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида муайян натижаларга, жумладан, маҳаллий хомашёлар асосида саноат тармоқларини ривожлантириш мақсадида халқаро стандартларга жавоб бера оладиган янги турдаги полимер материаллар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси<sup>1</sup>да «маҳаллий хомашёларни чуқур қайта ишлашни кўзда тутувчи саноатни янги сифат жиҳатдан юқорига кўтариш» ҳамда «ички ва ташқи бозорларда маҳаллий товарларнинг рақобатбардошлигини таъминлайдиган маҳсулотларнинг тубдан янги турларини ишлаб чиқаришни ўзлаштириш» га йўналтирилган муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада саноатни ион

---

Муаллиф илмий маслаҳатчиси к.ф.д., етакчи илмий ходим Н.Б.Ферапонтовга (М.В.Ломоносов номидаги МДУ, Россия) ҳар томонлама ишни ташкил этишга, олинган натижаларни муҳокамасига фаол иштирок этганлиги ва берган маслаҳатлари учун чуқур миннатдорчилик билдиришини ўз бурчи деб ҳисоблайди.

<sup>1</sup>2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси/Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармони.

алмашилиш жараёнига асосланган аналитик назорат ва ажратиш усуллари билан таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сон Фармони, 2018 йил 25 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида кимё саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3983-сон, 2018 йил 17 январдаги «Мамлакат иқтисодиёти тармоқларини талаб юқори бўлган маҳсулот ва хомашё турлари билан барқарор таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-3479-сон, 2019 йил 3 апрелдаги «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4265-сон Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти натижалари муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII «Кимёвий технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, дунёнинг барча ривожланган мамлакатларида илгаридан полимер материалларнинг термодинамик ва кинетик хоссаларини ўрганишга, уларни ажратиш ва аниқлаш жараёнларида қўллашда йўналтирилган тизимли тадқиқотлар олиб борилмоқда. Полимер материаллар ва қуйимолекуляр электролитлар орасидаги мувозанат ҳақидаги биринчи изланишлар Ф.Доннан, Х.Грегор, Ф.Гельферих, А.Качальский, А.Мелешко каби олимлар номи билан боғланган. Полимер материаллар эритмаларининг физик-кимёвий хоссаларини ўрганишга М.Нагасава, уларнинг бўқиш жараёнларини тадқиқ қилишда К.Танакалар катта ҳисса қўшганлар. Россияда полимер материалларни ион алмашилиш хроматографиясида қўллаш соҳасида В.Горшков, Н.Ферапонтов, Р.Хамизов, В.Иванов, В.Селеменовлар илмий изланишлар олиб борганлар. Улар полимер материаллар хоссаларини ўрганиш жараёнида ион алмашилиш термодинамикаси, ион алмашилишнинг мувозанат константасини, ионитларнинг турли валентли ионларга мойиллигини ўрганиш асосида турли табиатли полимер материалларнинг функционал гуруҳлари билан электролитлар эритмаларининг ўзаро таъсирини кўрсатиб берганлар.

Гидрофил полимер геллар, турли хил синтетик ва сунъий полимер материалларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш бўйича ўзбек олимлари ҳам кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борганлар. Буларга академиклардан С.Ш.Рашидова, Х.У.Усмонов, К.С.Ахмедов, А.Т.Джалилов, профессорлардан Б.Д.Кабулов, Т.М.Бабаев, М.Г.Мухамедиев, Д.А.Гафурова, А.М.Курбановларни таъкидлаш мумкин.

Шунингдек, бугунги кунгача турли аралашмалар таркибидан маъданли компонентларни мақсадли равишда ион алмашилишнинг қарши оқимли жараёнлардан фойдаланиб ажратиш ва уларни мониторингини таъминлаш

муаммолари чуқур ўрганилмаган. Биринчи ва иккинчи гуруҳ катионларининг турли хил тузларидан полимер материаллар бўқиш жараёнлари термодинамикаси ва кинетикаси тўлиқ тадқиқ қилинмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг «ОТ-Ф7-84. Кимёвий сенсорларни янги авлоди учун газ сезгир материаллар синтези назарий асосларини тадқиқ этиш» мавзусидаги фундаментал (2016-2020 й) лойихаси; Самарқанд (Ўзбекистон) ва Москва (Россия) давлат университетлари ҳамкорлигида «Разработка методов получения высокочистых веществ ионным обменом, разработка технологических схем осуществления процессов очистки природных и сточных вод и испытание этих схем на установках высокой производительности» (2015-2020йй.) мавзуларидаги илмий-тадқиқот дастурлари доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** Полимер гелларнинг сувли эритмаларда бўқиш жараёнининг физик-кимёвий хоссаларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

бўқиш жараёнининг баъзи термодинамик функциялари ва параметрларини ҳисоблашни кутбий гуруҳлари диссоциланадиган ва диссоциланмайдиган полимер гелларда тадқиқ этиш;

полимер материалларнинг гетерофазали физик-математикавий модели асосида бўқиш жараёнининг кинетик қонуниятларини изоҳлаш;

поливинил спирт асосида олинган полимер гелларнинг бўқиш жараёнига иккинчи гуруҳ металл хлоридлари концентрацияси ва табиатининг таъсирини аниқлаш;

гетерофазали физик-математик модели ёрдамида, тажриба натижаларини қайта ишлаш «Grain\_Size\_Treatment\_10\_1» ва «Polymer\_swelling\_kinetics 5.1» дастурларидан фойдаланиб, турли электролитларнинг ҳар хил концентрацияли эритмаларидан ПВС нинг бўқиш кинетикасини баҳолаш;

табiiй ичимлик сувларини тузсизлантириш, шунингдек, ион алмашилиш хроматографиясининг қарши оқим жараёнидан фойдаланиб, кўп компонентли системалар таркибидан аминокислоталарни ажратиш усулини тадқиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида поливинил спирт асосида олинган полимер гель, турли кўндаланг боғларга эга бўлган кучли, куйиасосли катионитлар ва анионитлар ҳамда баъзи кучли кислота, асос ва биринчи, иккинчи гуруҳ металл тузлари эритмалари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** гетерофазавий физик-математикавий модель, ион алмашилиш хроматографияси, сорбция, десорбция, бўқиш жараёнлари термодинамикаси ва кинетикаси билан изоҳланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида оптик микрометрия, ион алмашилиш хроматографияси, аланга фотометрияси, потенциометрия, спектрофотометрия, комплексонометрия усулларидан ва тажриба

натижаларини қайта ишлаш «Grain\_Size\_Treatment\_10\_1», «Polymer\_swelling\_kinetics 5.1» дастурларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

илк бора тажриба натижалари асосида кутбий гуруҳлари диссоциланадиган ва диссоциланмайдиган полимер гелларда бўқиш жараёни Гиббс эркин энергиясининг ўзгариши ҳисобланган;

полимер материаллар бўқишининг кинетик қонуниятларини гетерофазавий физик-математикавий модель ёрдамида баҳоланган;

илк бора полимер материаллар бўқиш жараёнини иккинчи гуруҳ металл хлоридлари табиати ва концентрациясига боғлиқлиги оптик микрометрия усулида поливинил спирт асосида олинган полимер геллар учун аниқланган;

қарши оқимли ион алмашиниш усулига асосланиб, табиий ва техник сувлар таркибидан ионлар ҳамда кўп компонентли системалар таркибидан аминокислоталар ажратилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

ион алмашиниш хроматографиясининг қарши оқимли усули ёрдамида табиий сувларни тузсизлантиришни кучли асосли катионит ва қуйиасосли анионитларда қўллаш жараёни амалиётга тадқиқ этилган ва табиий ҳамда оқова сувларни тузсизлантириш, тозалаш, самарадорлигини ҳисоблаш услуги ишлаб чиқилган;

кўп компонентли системалар таркибидан лизинни ион алмашинишнинг қарши оқимли жараёнидан фойдаланиб, икки секцияли конуссимон ион алмашиниш колонкаларида тўлиқ ажратилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлиги.** Ион алмашиниш хроматографияси, оптик микрометрия, спектрофотометрия, потенциометрия, аланга фотометрияси, комплексометрия усуллари ёрдамида ва полимер гелларнинг бўқиш кинетикасининг «Grain\_Size\_Treatment\_10\_1», «Polymer\_swelling\_kinetics 5.1» дастури каби тажриба натижалари олинганлиги билан асосланган. Ион алмашиниш мувозанати, полимер материалларнинг сувда ва сувли эритмаларда бўқиш кинетикаси ҳақидаги замонавий назарияларга қўлланаладиган формула ва тенгламаларни ишлатиш орқали олинган натижалар таҳлил қилинган, хулосалар чиқарилган ҳамда математик статистика усуллари билан қайта ишланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти полимер материаллар бўқишининг термодинамик ва кинетик қонуниятларини гетерофазавий, физик-математикавий модель ёрдамида баҳоланиши, бўқиш жараёнининг  $k_1$ ,  $k_2$ ,  $k_3$  кинетик коэффициентларини поливинил спирт асосида олинган полимер гелларга тадқиқ этилиши ва полимер материаллар бўқишининг иккинчи гуруҳ металл хлоридлари табиати ва концентрациясига боғлиқлиги оптик микрометрия усулида поливинил спирт асосида олинган полимер геллар учун аниқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти ион алмашиниш хроматографиясининг қарши оқимли жараёнида табиий ва оқова сувларни



тузсизлантириш, тозалаш, самарадорлигини ҳисоблаш услуби ишлаб чиқилиши ва анорганик қўшимчалари бўлган аралашмалар таркибидан лизинни ион алмашилишнинг қарши оқимли жараёнидан фойдаланиб, икки секцияли конуссимон колонкаларда тўлиқ ажратилиши ва микдорий аниқланиши билан тадқиқ этилади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Полимер гелларнинг сувли эритмаларда бўқиш жараёнининг физик-кимёвий хоссалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

табиий сувларни тузсизлантириш мақсадида ишлаб чиқилган ион алмашилишнинг қарши оқимли усули «БиоХимМак» корхонасида жорий этилган («БиоХимМак» Россия, МДУ 2020 йил 21 майдаги 52/27-сон маълумотномаси). Натижада тузсизлантирган сув хроматографик усулда дигидрокверцетинни ажратиб олишда қўлланилган.

полимер гелларнинг сувли эритмаларда бўқишининг физик-кимёвий асосларидан А-7-23 рақамли «Маҳаллий сорбентлар ёрдамида мис ионларини оқова сувлардан ажратиб олиш технологияси» мавзусидаги амалий лойиҳада реагентсиз усулда оқова сувлар таркибидан ионларни ажратиб олишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 20 июлдаги №89-03-2620-сон маълумотномаси). Натижада оқова сувлардан мис ионларини ажратиб олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 11 та, жумладан 3 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа доктори (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 6 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг таркиби кириш, бешта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этган.

### **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқот мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган. Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари тараққиётининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Полимер сорбентлар бўқишини термодинамик ва кинетик тадқиқ этиш (адабиётлар таҳлили)**» деб номланган биринчи бобида полимер сорбентларнинг сув ёки сувли эритмаларда бўқиш жараёнини термодинамик ва кинетик жиҳатдан таҳлил қилинган. Хорижий ва

маҳаллий адабиётлар шарҳи билан бўқиш жараёнини ўрганишга бағишланган илмий-тадқиқотлар натижалари батафсил ёритилган. Назарий ва амалий натижаларнинг таҳлили асосида тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, долзарблиги ва муҳимлиги аниқланган.

Диссертациянинг «Тадқиқот усуллари. Услубий қисм» деб номланган иккинчи бобида тажрибаларни бажариш учун керакли материаллар ва анализ усуллари кўрсатилган. Тажрибаларда қўлланилган кутбий гуруҳлари диссоциланадиган полистирол ва дивинилбензол асосида олинган кучли кислотали универсал катионит-КУ-2, полиметақрил кислотаси асосида олинган кучсиз кислотали буфер катионит-КБ-4, полистирол ва дивинилбензол асосида олинган кучли асосли анионит-АРА, қуйи асосли анионит-АН-22 лар ҳамда ҳамда кутбий гуруҳлари диссоциланмайдиган поливинил спирт гели - ПВСларнинг тузилиши, уларнинг алмашилиш сиғимларини аниқлаш, сорбентлар томонидан бўқиш жараёнида сорбцияланган сув миқдорини топиш усуллари, қўлланилган ион алмашилиш колонкаларининг хусусиятлари ва ўлчамлари келтирилган.

Тикилган полиэлектродитлар гранулаларининг бўқиш жараёни кинетикасини ўрганишга доир тажрибаларни оптик микрометрия усулдан фойдаланиб олиб борилиши таъкидланган. Бу усулнинг афзалликлари кўрсатилган. Оптик микрометрик усул ёрдамида кутбий гуруҳлари диссоциланмайдиган поливинил спирт асосида олинган гелнинг сувли эритмалардан бўқиш даражасининг ўзгаришини аниқлашнинг замонавий дастурлари қайд этилган. Тажриба натижаларини қайта ишлаш «Grain\_Size\_Treatment\_10\_1» дастури ва тажрибавий графиклар чизиш, тенгламалар системасида полимер бўқиш кинетикасини тушунтирадиган коэффицентларни танлаш, номаълум эритма концентрациясини аниқлаш имконини берадиган «Polymer\_swelling\_kinetics5.1» дастури кўрсатилиб, бу дастурларнинг ишлаш механизми кенг ёритилган.

Диссертациянинг «Полимер сорбентларнинг сувли эритмаларда бўқиш термодинамикаси» деб номланган учинчи бобида полимер сорбентларнинг сув ёки сувли эритмалардан бўқиш жараёнининг узгармас босим ва узгармас температурада Гиббс эркин энергияси ўзгаришининг сорбцияланган сув миқдорига, полимерларнинг функционал гуруҳлари табиатига, ион кўринишига, таркибидаги ДВБ нинг миқдорига ва ташқи эритмадаги сувнинг активлигига боғлиқлиги тажрибалардан олинган натижалар асосида ҳисобланган.

Маълумки, полимер сорбентларнинг эритувчида ёки сувли эритмаларда бўқиш жараёнида Гиббс эркин энергиясининг ўзгариши реал системаларда қуйидаги тенглама орқали ифодаланади:

$$\Delta G_{\bar{n}} = RT \ln \bar{a}_w \quad (1)$$

бу ерда:  $\Delta G_{\bar{n}}$  - бўқиш жараёни Гиббс эркин энергиясининг ўзгариши, R- газларнинг универсал доимийлиги, T- температура,  $\bar{a}_w$  – полимер сорбент фазасидаги сорбцияланган сув активлиги.

Агар сув учун полимер сорбентларда ва эритмада стандарт ҳолат бир хил бўлса, у ҳолда сувнинг активлиги ҳар иккала фазада бир хил бўлади

$\bar{a}_w = a_w$  ва бундай ҳолда бўкиш жараёни Гиббс эркин энергиясининг ўзгариши куйидагича ифодаланади:

$$\Delta G_{\bar{n}} = RT \ln a_w = RT \varphi \ln N_w = RT \varphi \ln(1 - N_{AX}) = RT \varphi \ln \left( 1 - \frac{vm}{\left(\frac{1000}{M_w}\right) + vm} \right) \approx RT \varphi \ln \left( 1 - \frac{vmM_w}{1000} \right) \quad (2)$$


бу ерда:  $m$ -эритманинг моляль концентрацияси,  $\varphi$ -эриган модданинг моляль осмотик коэффициенти,  $M_w$ -эритувчининг молекуляр массаси,  $v$ -эриган модда молекуласидаги ионлар сони.

Бўкиш жараёнида Гиббс эркин энергияси ўзгаришининг полимер сорбентнинг қарши ионига ва мувозанатда турган эритма концентрациясига ҳамда эритмадаги коионларга боғлиқлиги катионит КБ-4 мисолида ўрганилди. Бунинг учун дастлаб динамик равишда катионитнинг турли ион шаклларидаги алмашилиш сиғимлари аниқланди. Олинган натижалар 1-жадвалда келтирилган. Сўнгра тажрибаларда олинган натижалардан фойдаланиб 2-формула ёрдамида бўкиш жараёнининг Гиббс эркин энергияси ўзгариши ҳисобланди. Ҳисоблаш натижалари 1-расм ва 2-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

### Катионит КБ-4 нинг солиштирма катталиклари

Ион шакли	E/m <sub>AR</sub> , МГ-ЭКВ/Г	E/V <sub>AR</sub> , МГ-ЭКВ/Л	ρ <sub>и</sub> , Г/МЛ
H <sup>+</sup>	9,116	12,560	1,378
NH <sub>4</sub> <sup>+</sup>	7,846	12,458	1,588
Na <sup>+</sup>	7,583	16,528	2,180
K <sup>+</sup>	6,714	14,064	2,095
Ca <sup>2+</sup>	7,758	16,276	2,098



1-расм. Катионит КБ-4нинг турли концентрацияли хлорид кислота, натрий, калий, аммоний ва кальций тузлари эритмаларидан бўкиш жараёнида Гиббс эркин энергияси ўзгаришининг сорбцияланган сув миқдорига ва мувозанатдаги эритма таркибидаги сувнинг активлигига боғлиқлиги.

Сувнинг сорбцияси жараёнида Гиббс эркин энергиясининг қиймати катионитнинг қарши ионлари табиатига, сорбцияланган сув миқдорига ва мувозанатдаги эритма таркибидаги сувнинг активлигига боғлиқлиги 1-

расмда келтирилган. 1-расмдан кўринадики, мувозанатдаги эритма таркибидаги сувнинг активлиги қанчалик кичик бўлса, сувнинг сорбцияси жараёни Гиббс эркин энергиясининг ўзгариши шунчалик кичик қийматга эга бўлади.

2-жадвал

Тажриба натижалари асосида ҳисобланган қийматлар


Т/р	1	2	3	4	5	6	7	8
КБ-4-NaCl								
$a_w$	0,992	0,984	0,956	0,925	0,906	0,875	0,846	0,828
$n_{H_2O}$	9,7	9,5	8,8	8,3	7,7	7,2	7,0	6,8
$-\Delta G$ , кЖ/Г-ЭКВ	19,81	39,62	111,44	193,16	245,16	329,36	416,03	475,15
КБ-4-NaOH								
$a_w$	0,988	0,974	0,952	0,925	0,908	0,888		
$n_{H_2O}$	9,8	8,7	8,0	7,7	7,4	7,1		
$-\Delta G$ , кЖ/Г-ЭКВ	29,71	64,39	159,44	193,16	239,22	294,69		
КБ-4-KCl								
$a_w$	0,992	0,982	0,960	0,946	0,922	0,895	0,874	
$n_{H_2O}$	9,0	8,7	8,2	7,9	7,4	6,8	6,4	
$-\Delta G$ , кЖ/Г-ЭКВ	26,18	44,57	99,06	138,68	200,59	272,40	331,83	
КБ-4-KNO <sub>3</sub>								
$a_w$	0,996	0,992	0,984	0,972	0,966	0,952	0,944	
$n_{H_2O}$	8,9	8,5	7,9	7,7	7,6	7,5	7,4	
$-\Delta G$ , кЖ/Г-ЭКВ	17,12	19,87	39,62	69,34	86,67	121,34	141,15	
КБ-4-Ca <sup>2+</sup>								
$a_w$	0,990	0,975	0,952	0,904	0,865	0,834		
$n_{H_2O}$	6,6	6,1	5,3	4,8	4,3	4,2		
$-\Delta G$ , кЖ/Г-ЭКВ	24,76	61,91	126,30	247,64	359,08	460,61		
КБ-4-NH <sub>4</sub> <sup>+</sup>								
$a_w$	0,990	0,975	0,962	0,934	0,904	0,882	0,864	
$n_{H_2O}$	8,0	7,0	6,5	5,8	5,4	5,2	5,0	
$-\Delta G$ , кЖ/Г-ЭКВ	24,71	82,72	99,06	179,54	260,02	316,98	371,46	
КБ-4+H <sup>+</sup>								
$a_w$	0,995	0,990	0,982	0,954	0,932	0,908	0,866	0,832
$n_{H_2O}$	2,5	2,2	1,9	1,6	1,5	1,3	1,2	1,1
$-\Delta G$ , кЖ/Г-ЭКВ	12,38	24,78	46,52	128,77	179,54	261,42	375,26	460,85

Бўкиш жараёнида Гиббс эркин энергияси ўзгариши полимер сорбентларнинг кўндаланг боғлар миқдорига боғлиқлигини ўрганишга доир тажрибалар колонкали усулда динамик равишда полистирол ва дивинилбензол асосида олинган кучли асосли анионит АРА ёрдамида олиб борилди. Тажрибаларда таркибида кўндаланг боғлар миқдори 4, 12 ва 20 % бўлган анионитлар ишлатилди. Олинган натижалардан фойдаланиб, 2-формула ёрдамида анионит томонидан сувнинг сорбцияси жараёнининг Гиббс эркин энергияси ўзгариши аниқланди. Ҳисобланган қийматлар 2-расмда ва 3-жадвалда келтирилган. Сувнинг сорбцияси жараёнининг Гиббс эркин энергияси қийматининг ўзгариши анионитнинг қарши ион кўришига ва сорбцияланган сув миқдорига боғлиқлигини 2-расм кўрсатиб турибди.

3-жадвал

### Тажриба натижаларидан ҳисобланган қийматлар


T/p	1	2	3	4	5	6	7
АРА-4П							
C,н	0,01	0,12	0,51	1,03	2,05	4,00	
$n_{H_2O}$	18,9	18,1	15,9	13,8	10,8	7,6	
$-\Delta G$ , кЖ/Г-ЭКВ	0	9,91	42,10	81,72	179,54	401,17	
$a_w$	1,000	0,996	0,983	0,967	0,930	0,850	
АРА-12П							
C,н	0,09	0,22	0,60	1,50	2,00	3,02	4,10
$a_w$	0,998	0,995	0,985	0,960	0,948	0,917	0,890
$n_{H_2O}$	4,63	4,59	4,45	4,05	3,86	3,40	3,03
$-\Delta G$ , кЖ/Г-ЭКВ	4,96	12,38	37,15	101,53	131,25	214,44	287,23
АРА-20П							
C,н	0,05	0,10	0,26	0,77	1,68	2,60	3,10
$a_w$	1,000	0,998	0,996	0,974	0,934	0,891	0,866
$n_{H_2O}$	2,65	2,64	2,61	2,49	2,36	2,21	2,12
$-\Delta G$ , кЖ/Г-ЭКВ	0	4,96	9,86	64,52	168,39	284,78	356,61



2-расм. Кўндаланг боғлар миқдори 4, 12 ва 20 % бўлган анионит АРА нинг нитрат шаклида турли концентрацияли  $NH_4NO_3$  эритмаларидан бўкиш жараёнида Гиббс энергияси ўзгаришининг сорбцияланган сув миқдорига ва мувозанатдаги эритма таркибидаги сувнинг активлигига боғлиқлиги.

Диссертациянинг «ПВС гелининг бўқиш кинетикасини физик-математикавий модель ёрдамида тадқиқ этиш» деб номланган тўртинчи бобида поливинил спирт гелининг бўқиш даражасига электролит концентрацияси ва табиати, шунингдек сув активлигининг боғлиқлигини ўрганиш қайд этилган. Поливинил спирт гелининг сувли эритмаларда бўқиши оптик микрометрия усулида ўрганилди.

Дастлаб ПВС нинг турли концентрацияли иккинчи гуруҳ металл хлоридлари эритмаларидан бўқишни ўрганишга доир тажрибалар олиб борилди. Тажрибаларда диаметрлари 0,35 дан 1,05 мм.гача бўлган сферик шаклдаги поливинил спирт гранулалар ишлатилиб, иккинчи гуруҳ металл хлоридларининг эритмалари эса 0,10 н.дан 3,0 н гача оралиқларда олинди. Полимер гранулалари берилган концентрацияли муайян электролитнинг эритмаларида ўтказилиб, 1-2 соат давомида ушланди. Полимер гранулалари ва берилган концентрацияли муайян электролитнинг эритмаси орасида мувозанат қарор топгандан сўнг, гранулаларнинг эритмадаги ҳажмий ўзгариши топилди. Тажриба натижаларидан фойдаланиб, ПВС гелининг иккинчи гуруҳ металл хлоридлари эритмаларида бўқишни мувозанатдаги эритма концентрациясига ва вақтга боғлиқлиги аниқланди. Олинган натижа 3-расмда келтирилган.



**3-расм. ПВС гелининг иккинчи гуруҳ металл хлоридларида бўқиш жараёни мувозанатдаги эритма концентрациясига ва вақтга боғлиқлиги.**

Иккинчи гуруҳ катионлари учун полимернинг бўқиш даражасига ҳар бир электролит эритмаси алоҳида таъсир этишини 3-расм кўрсатади. Бундай натижанинг сабаби ПВС гелининг қутбий гуруҳлари ўзига хос хусусиятга эгаки, натижада полимер гел ва мувозанатдаги электролит эритмаси орасида ҳеч қандай кимёвий таъсир бўлмайди, ПВС ҳажмининг ўзгариши полимер гел ва сув ёки полимер гел ва мувозанатдаги эритма таркибидаги эриган модда орасида турли хил координацион, водород боғлар ҳосил бўлиши орқали содир бўлади.

Олинган натижалардан қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: биринчидан, магний катионининг барча концентрацияларида ва рух ионининг юқори концентрацияларида гелнинг эритмалардаги бўқиш даражаси сувдагига нисбатан юқори қийматга эга бўлади. Иккинчидан, магний катионидан ташқари барча асосий гуруҳча ва ёнаки гуруҳча

катионларида гелнинг нисбий ҳажмий бўкишининг мувозанатдаги эритманинг концентрациясига боғлиқлиги минимум орқали ўтади. Учинчидан, гелнинг бўкиш даражасига катионлар ион радиусларининг таъсири кучлироқ кўринадиди, яъни ион радиус қанчалик кичик бўлса, полимернинг бўкиш даражаси шунчалик юқори бўлади. Шунингдек олинган натижалардан кўринадиди, ёнаки гуруҳ катионлари  $Zn^{2+}$ ,  $Cd^{2+}$  лар учун ҳам боғлиқлик шундай бўлади. Ундан ташқари, тажрибаларда олинган натижалардан кўринадиди, полимер гел ва мувозанатдаги эритма орасида ҳосил бўладиган турли хил координатсион боғлар, водород боғларнинг ҳосил бўлиши ПВС гели ҳажмининг ўзгаришига катта таъсир кўрсатади. Бу натижалар иккинчи гуруҳ катионларининг полимер гел билан ўзаро таъсири юқори эканлигини кўрсатади.

Қилинган хулосалар асосида гетерофазали физик-математик модели ёрдамида, тажриба натижаларини қайта ишлаш «Grain\_Size\_Treatment\_10\_1» ва «Polymer\_swelling\_kinetics 5.1» дастурларидан фойдаланиб, турли электролитларнинг ҳар хил концентрацияли эритмаларидан ПВС нинг бўкиш кинетикасини ўрганиш, ҳар бир алоҳида олинган модда эритмаси учун моделнинг хараактеристик коэффицентларини аниқлашга доир тажрибалар ўтказилди. Шу тажрибалардан олинган натижаларнинг баъзилари қуйида келтирилган.

ПВС томонидан  $NaHCO_3$  нинг 0,10, 0,25, 0,40 ва 0,50 моль/л эритмаларидан бўкиш жараёни кинетикасини ўрганишга доир тажрибалар оптик микрометрия усули ёрдамида бажарилди. Сорбент сифатида сувда бўккан сферик шаклдаги ПВС гранулалари ишлатилиб, уларнинг диаметри  $0,76 \pm 0,01$  мм.ни ташкил этди. Юқори аниқликка эга бўлиш учун тажрибалар тўрт мартадан такрорланди. Тажриба натижаларининг дастур ёрдамида ҳисобланган қийматлари 4–жадвалда келтирилган. Олинган натижаларнинг ўртача қийматларидан фойдаланиб, гетерофазали кинетик моделнинг  $k_1$ ,  $k_2$ ,  $k_3$  ва  $p$  кинетик коэффицентлари ҳисобланди. Худди шундай усулда натрий гидрокарбонатнинг бошқа концентрацияли эритмалари билан тажрибалар ўтказилди. Тажрибаларда олинган натижалар асосида ва ҳисоблаб аниқланган кинетик коэффицентлар ёрдамида ҳар бир концентрация учун назарий эгри чизиқлар тузилди. Муайян концентрацияли эритмадан ҳисобланган қийматлар 5-жадвал ва бўкишнинг назарий эгри чизиқлари 4-расмда келтирилган.

#### 4-жадвал

#### $NaHCO_3$ эритмалари учун аниқланган кинетик коэффицентлар

$k_1, 10^{-5} \text{ м/с} \cdot (\text{л/моль})^{1/3}$	6,34
$k_2, 10^{-2} \text{ с}^{-1}$	0,11
$k_3, (\text{л/моль})^{1/2}$	6,05
$p, \text{ л/моль}$	0,210


**Тажриба натижаларини «Polymer\_swelling\_kinetics 5.1» дастури ёрдамида ҳисобланган қийматлари.**

С <sub>тайёрланган</sub> МОЛЬ/Л	С <sub>аник</sub> , МОЛЬ/Л	Т <sub>ўлчанг</sub> , сек	δ, %	maxΔ, %	σ, %
0,50±0,01	0,50	120	0,00	0,35	0,18
	0,50	300	0,00	0,43	0,21
	0,51	600	2,00	0,65	0,20
	0,51	900	2,00	0,65	0,17
	0,51	1200	2,00	0,54	0,16
	0,50	1800	0,00	0,43	0,18
	0,50	3000	0,00	0,43	0,15
0,40±0,01	0,37	120	-7,50	1,62	0,41
	0,38	300	-5,00	1,38	0,35
	0,39	600	-2,50	1,22	0,37
	0,40	900	0,00	1,13	0,36
	0,40	1200	0,00	1,13	0,35
	0,40	1800	0,00	1,13	0,33
	0,40	3000	0,00	1,13	0,29
0,25±0,005	0,27	120	8,00	1,46	0,55
	0,26	300	4,00	1,65	0,39
	0,25	600	0,00	1,75	0,29
	0,25	900	0,00	1,75	0,25
	0,25	1200	0,00	1,83	0,22
	0,25	1800	0,00	1,83	0,18
	0,25	3000	0,00	1,83	0,15
0,10±0,002	0,13	120	30,00	0,88	0,41
	0,11	300	10,00	1,10	0,35
	0,11	600	10,00	1,17	0,28
	0,10	900	0,00	1,24	0,26
	0,10	1200	0,00	1,24	0,24
	0,10	1800	0,00	1,24	0,22
	0,10	3000	0,00	1,31	0,18


Натрий гидрокарбонатнинг турли концентрацияли эритмаларидан олинган кинетик эгри чизиқлар ёрдамида уч ўлчамли сирт юза массиви график равишда тузилди (5-расм) ва бу сирт юза бўкиш жараёнининг кинетик эгри чизиғини билган ҳолда номаълум эритманинг концентрациясини аниқлаш имконини кўрсатади. Олинган натижалар таҳлилидан қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: эритма концентрацияси ортиши билан полимер гель бўкиш жараёнининг мувозанатга келиш вақти ўзгармайди (3000 сек атрофида), шунингдек эритма концентрацияси ортиши билан мувозанатдаги нисбий ҳажмнинг қиймати камаяди. Ундан ташқари



бўкиш жараёнининг мувозанат ҳолатига яқин бўлган соҳаларида  $\delta$  нинг қиймати 0,5% дан ошмайди, бу натижа эса қўлланган усулнинг берилган электролитнинг кенг соҳадаги концентрацияларини аниқлашда сезгирлиги юқори эканлигини кўрсатади, ўртача квадратик четланиш ( $\sigma$ ) нинг қиймати эса 1% дан ошмайди, бу эса полимер гелларнинг бўкиш кинетикасини ўрганишда оптик микрометрия усулини қўллаш юқори натижа беришини кўрсатади.




**4-расм.**  $\text{NaHCO}_3$  нинг турли концентрацияли эритмаларидан ҳисоблаб тузилган бўкиш жараёнининг назарий кинетик эгри чизиқлари.




**5-расм.**  $\text{NaHCO}_3$  эритмаларидан ПВСни бўкиш жараёнининг 3D-юза кўриниши.

Худди шундай тажриба ва ҳисоблашлар бошқа электролитларнинг турли концентрацияли эритмаларида ҳам ўтказилди. Олинган натижалар диссертацияда тўлиқ муҳокама этилган. Қуйидаги 6 ва 7-расмларда  $\text{NaI}$  эритмалари учун ҳисобланган графиклар келтирилган.



**6-расм.**  $\text{NaI}$  нинг турли концентрацияли эритмаларидан ҳисобланган назарий кинетик эгри чизиқлар.



**7-расм.** Турли концентрацияли  $\text{NaI}$  эритмаларидан ПВСнинг бўкиш жараёнининг сирт юза кўринишлари.

Повинил спирт асосида олинган полимер материалларнинг бўкиш жараёнида ўрганилган ҳар бир эриган модда табиати ва концентрацияси

билан ўзига хос равишда таъсир этиши 5 ва 7-расмлардаги сирт юзалардан кўриниб турибди. Шунинг учун турли моддалар эритмаларининг концентрацияларини аниқлашда ПВС асосида олинган материалларни сезгир сорбентлар сифатида қўллаш тавсия этилади, чунки ПВС полимери тикилган полиэлектродитлардан фарқ қилиб ион алмашилиш реакциясига кирмайди, шунингдек эритма таркибидаги компонентлар билан ўзаро таъсирлашмайди.

Диссертациянинг «**Полимер сорбентлар ёрдамида аралашмаларни ажратиш**» деб номланган бешинчи бобида ион алмашилишнинг қарши оқимли ҳаракат ва ионит-экстракцион усуллардан фойдаланиб табиий сувларни тузсизлантириш ва кучли электродитлар аралашмаларини ажратишга бағишланган тажрибалар тўлиқ ёритиб берилган.


Ион алмашилишнинг қарши оқимли усулидан фойдаланиб Орол атрофи худудидаги (Ургенч, Хонқа, Хива, Нукус шаҳарлари ичимлик сувлари) табиий ичимлик сувларини тозалаш, тузсизлантиришга доир тажрибалар ўтказилди. Олинган натижалардан кўринадикки, иккита кетма-кет уланган конуссимон ион алмашилиш колонкаларидан фойдаланиб, ион алмашилишнинг қарши оқимли ҳаракат усулида КУ-2x8 ва АН-22 маркали ионитларни ишлатиб, табиий ичимлик сувларини тўлиқ деминерализация қилиш мумкин. Натижада табиий сув икки ва кўп зарядли ионлардан тўлиқ тозаланади. Шунингдек, сувни тозалаш ва юмшатиш жараёнларида қарши оқимли ускуналардан фойдаланиш регенерация учун сарфланадиган реагентлар миқдорини кескин камайтириш имконини беради.

Ундан ташқари кучсиз кислотали буфер катионит КБ-4дан фойдаланиб таркибида лизин ва аорганик моддалар бўлган аралашмадан қарши оқимли усулидан фойдаланиб лизин ажратиб олинди. Бунинг учун ион алмашилиш колонкасидаги катионит КБ-4нинг суспензияси аралаш  $\text{Na}^+ - \text{H}^+$  кўринишига келтирилди ва колонка орқали 5мл/мин тезлик билан лизиннинг 40 г/л концентрацияли эритмаси ўтказилди. Эритманинг рН кўрсаткичи 3,5 га келтирилди. Колонкага лизин эритмаси юборилгандан сўнг, катионит орқали натрий гидроксиднинг концентранган эритмаси ўтказилиб, лизин десорбцияланди. Бундай ишлов берилгандан сўнг катионит натрий-лизин-водород кўринишидаги аралаш ҳолатга келади. Натрий гидроксид эритмаси билан таъсирлашганда колонка ичида қуйидаги реакциялар содир бўлади:



Бу реакциялар натижасида натрий гидроксид эритмасининг тўлиқ деминерализацияланиши содир бўлади. Реакциялар натижасида ҳосил бўлаётган сув колонка бўйлаб десорбцияланаётган лизин соҳасидан олдинда бўлади ва ўз оқимида катионитни аралашмадан тозалаб боради. Бу жараён эса колонкада ҳосил бўлаётган лизин соҳасини барқарор бўлишига олиб келади, чунки реакция асосида катионитдан десорбцияланаётган лизин қайта зарядланиб, катионитнинг водород кўриниши орқали 5-реакция асосида яна сорбцияланади. Бу ҳодиса колонна бўйлаб сувнинг ва лизиннинг турли тезликда ҳаракатланишига олиб келади. Натижада катионитнинг ювиш


босқичининг сифатли ўтишини ва десорбцияланиш соҳасида лизин концентрациясининг ошишига имкон яратади. Бу эса лизиннинг тўйинган эритмасини маҳсулот сифатида олишга келтиради. Келтирилган ҳар учала реакцияларда мувозанат ўнг томонга силжиган бўлади. Шунинг учун колонка бўйлаб ион алмашилиш жараёниларида стационар соҳалар ҳосил бўлади. Олинган натижалардан бири 8-расмда келтирилган.



**Расм-8. Катионит КБ-4 нинг аралаш натрий-лизин-водород кўринишидан натрий гидроксид эритмаси билан лизинни десорбцияланиш жараёнининг чиқиш эгри чизиқлари.**

Олинган эритма таркибидаги лизин концентрацияси 16-18 марта ошди ва катионит лизин бўйича максимал солиштирма сиғимга эга бўлди. Шунингдек, катионит КБ-4 матричасига органик бирикмалар деярли сорбцияланмайди, бу эса катионитни ювиш босқичида сувни кам сарфланишига олиб келди. Ундан ташқари лизинни десорбцияси жараёнида ажралиб чиқаётган сув катионитни аралашмадан ювиш жараёнига етарли бўлди.

Шунингдек, ионит-экстракцион усулдан фойдаланиб аралашмалар таркибидан электролитларни ажратишда колонка орқали аралашма оқимининг ўтиш ҳажмий тезлиги ажратиш самарадорлигига боғлиқлигини ўрганиш учун тажрибалар ўтказилди. Тажрибалар 800 мл бўлган кучли асосли анионит АРА-12 суспензияси ва бир хил таркибга ҳамда концентрацияга эга бўлган  $MgCl_2$  ва  $HCl$  эритмалари аралашмаси билан ҳажмий тезликлари 4 дан 16 мл/мин.гача оралиғида олиб борилди. Натижалар 9-расмда келтирилган.



**Расм-9. Кучли асосли анионит АРА-12нинг  $Cl^-$  кўринишида  $MgCl_2-HCl$  эритмалари аралашмаларини ажратиш эгри чизиқлари, аралашманинг колонкадан ўтиш тезлиги (а) 4 мл/мин; (б) 10 мл/мин.**

Олинган натижаларнинг таҳлили сорбцияланиш жараёни турғун ва турғун бўлмаган соҳалар орқали боришини кўрсатди. Ажратиладиган аралашма унумини ошириш ва элюент вазифасини бажарувчи сувни тежаш учун келтирилган анионитнинг муайян ҳажмдаги суспензиясида ажратишни 4 мл/мин ҳажмий тезлик билан ўтказиш мақбул шароит ҳисобланди.

Кучли электролитлар аралашмасини ионит-экстракцион усулда ажратиш ва табиий, оқова сувларни қарши оқимли усулда тозалашдан олинган натижалар амалда «БиоХимМак» (Россия) корхонасида қўлланилган.

## ХУЛОСАЛАР

1. Полимер сорбентларнинг ҳар хил концентрацияли турли электролитлар эритмаларида бўқиш жараёни Гиббс эркин энергиясининг ўзгариши кутбий гуруҳлари диссоциланадиган (КБ-4, АРА) ва диссоциланмайдиган (ПВС) геллар учун ҳисобланди.

2. Бўқиш жараёни Гиббс эркин энергиясининг ўзгариши полимер сорбентларнинг қарши ионларига ва мувозанатда турган эритма концентрациясига тўғри пропорционал равишда боғлиқлиги ва эритмадаги коионларга боғлиқ эмаслиги тажриба натижаларида қайд этилди.

3. Анионит АРА томонидан сорбцияланган сув миқдори ва бўқиш жараёни Гиббс эркин энергиясининг ўзгариши полимер сорбентнинг кўндаланг боғлар миқдorigа тўғри пропорционал равишда боғлиқлиги кўрсатилди.

4. Иккинчи гуруҳ катионлари хлоридлари учун ПВС гелининг бўқиш даражасига ҳар бир электролит эритмаси алоҳида таъсир этиши тажрибаларда кўрсатилди. Натижада ПВС ҳажмининг ўзгариши полимер гел ва сув ёки полимер гел ва мувозанатдаги эритма таркибидаги эриган моддалар орасида водород ва турли хил координацион боғлар ҳосил бўлиши орқали содир бўлиши қайд этилди.

5. Полимер сорбент тузилишининг гетерофазали физик-математик модели ёрдамида, тажриба натижаларини қайта ишлаш «Grain\_Size\_Treatment\_10\_1» ва «Polymer\_swelling\_kinetics 5.1» дастурларидан фойдаланиб,  $\text{NaHCO}_3$ ,  $\text{LiCl}$  ва  $\text{NaI}$  тузларининг турли концентрацияли эритмаларидан ПВСнинг бўқиш жараёни кинетикаси ўрганилди. Натижалар асосида алоҳида олинган электролит эритмаси учун моделнинг кинетик коэффицентлари ҳисобланади ва бўқишнинг кинетик эгри чизиқлари ёрдамида уч ўлчамли сирт юзалар тузилади.

6. Кетма-кет уланган иккита колонкалардан фойдаланиб, ион алмашилиш хроматографиясининг қарши оқимли усулида кучли кислотали катионит КУ-2х8 ва кучсиз асосли анионит АН-22 лар ёрдамида табиий ичимлик сувларини тўлиқ деминерализация қилишга эришилди ва олинган натижалар «БиоХимМак» корхонасида жорий этилди. Натижада тузсизлантирган сув хроматографик усулда дигидроқверцетинни ажратиш олишда қўлланилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.K.02.05 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ ПРИ  
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**  

---

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ**

**ТУРСУНОВА ГУЛНОЗА ХАМЗАЕВНА**

**ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ НАБУХАНИЯ  
ПОЛИМЕРНЫХ ГЕЛЕЙ В ВОДНЫХ РАСТВОРАХ**

**02.00.04 – Физическая химия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Самарканд – 2020**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по химическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2020.2.PhD/K301.**

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу [www.samdu.uz](http://www.samdu.uz). и информационно-образовательном портале «Ziynet» по адресу [www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz).

**Научный руководитель:** **Акбаров Хамдам Икрамович**  
доктор химических наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Эшмаматова Нодира Бахрамовна**  
доктор химических наук  
**Сидиков Абдужалил Сидикович**  
доктор химических наук, профессор

**Ведущая организация:** **Институт общей и неорганической химии**

Защита диссертации состоится «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 г. в \_\_\_ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.K.02.05 при Самаркандском государственном университете. (адрес: 140104, г. Самарканд, ул. Университетский бульвар 15, физико-химический корпус, 3-этаж, 305- аудитория. Тел.: (+99866)239-11-40, факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: [devonxona@samdu.uz](mailto:devonxona@samdu.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирован за № \_\_\_). Адрес 140104, г. Самарканд, ул. Университетский бульвар, Тел.: (+99866) 239-11-51.

Автореферат диссертации разослан «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_\_ от «\_\_\_» \_\_\_\_\_ 2020 года).

**А. М. Насимов**  
Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.т.н., проф.

**Ш.М. Сайиткулов**  
Ученый секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней, к.х.н., доц.

**Р.Нормахматов**  
Председатель научного семинара при научном  
совете по присуждению учёных степеней,  
д.т.н., доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии PhD)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** В мире в результате развития научно-технического процесса, развития производства на промышленных предприятиях, а также решения экологических проблем разработка конкурентоспособной и экологически чистой продукции с применением современных технологий является актуальной задачей. В частности, использование ионообменных и гидрофильных полимерных материалов при создании современных технологий извлечения драгоценных и цветных металлов из техногенных растворов, очистке сточных вод имеют важное значения.

Во всём мире наложена технология производства ионообменных гидрофильных полимерных материалов на основе таких мономеров, как метакриловая кислота, виниловый спирт, стирол, винилхлорид. На сегодняшний день проводятся исследования по изучению ионообменных свойств и кинетике набухания полимерных материалов, детальный анализ физико-химических свойств, получению полимерных материалов с каталитическими свойствами, содержащих металлические наночастицы, и создание полимерных композиций с последующим внедрением их в перспективные области промышленности, в частности, экологическом мониторинге и по разделению компонентов смесей.

В Республике придаётся особое значение для развития химической промышленности, разработки новых видов полимерных материалов и их применения на практике. В этом направлении в результате проведенных исследований достигнуты определенные успехи, а именно в разработке технологий получения новых полимерных материалов на основе местного сырья и внедрению их в практику в качестве замены импортируемых материалов.

В Стратегии действия по дальнейшему развитию Республики Узбекистан<sup>1</sup> намечены задачи по «производству готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов, освоению выпуска принципиально новых видов продукции и технологий, обеспечению на этой основе конкурентоспособности отечественных товаров на внешнем и внутреннем рынках». В связи с этим огромное значение придаётся обеспечению промышленности методами разделения ионообменных процессов и аналитическим контролем. Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан УП-49-47 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениями Президента Республики Узбекистан от 25 октября 2018

---

Автор считает своим долгом выразить искреннюю признательность научному консультанту д.х.н., вед.науч.сотр. Ферапонтову Н.Б. (Россия МГУ им.М.В.Ломоносова) за ценные консультации и активное участие в обсуждении результатов, всестороннюю помощь в организации работы.

<sup>1</sup>Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

года №3983 «О мерах по ускоренному развитию химической промышленности Республики Узбекистан», от 17 января 2018 г. №3479 «О мерах по стабильному обеспечению отраслей экономики страны востребованными видами продукции и сырья», от 3 апреля 2019 года №ПП-4265 «О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной привлекательности химической промышленности», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в республике.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VII. «Химия, химическая технология и нано технология».

